



Ислом Нури

Иккинчи: Ўлик қалб

Ўлик қалблар роббисини танимайди, Унинг буйруқларини бажармайди, У яхши кўрадиган ва рози бўладиган амалларни қилмасдан, шахватлар ортидан юради, Аллоҳ рози бўладими, йўқми кизикмайди. Бундай кимсалар мухаббат, хавф, умид, улуглаш ва Аллоҳ олдида ўзини хор тутиш каби хислатлар билан Аллоҳдан ўзгага сизгинувчидирлар. Агар яхши кўрса, бировнинг хохиши учун яхши кўради, ёмон кўрса ҳам ўшанинг хохиши учун ёмон кўради. Бирса бировнинг хохиши учун беради, бермаса ҳам ўшанинг хохиши учун бермайди. Ўзганинг хохиши унинг учун Аллоҳ розилигидан афзалроқ ва суюқлироқдир.

Хавои-нафс унинг иймони, шахват раҳбари, жаҳолат сарбони ва гафлат қарвонидир.

Насихатга кулоқ тутмасдан, шайтонлар этагини тутди. Газабланишию рози бўлишига ягона сабаб фақат ўткинчи дунё матоларидир. Ховои-нафс уни ҳақ қаршисида кўру қар қилиб кўяди.

Солихлардан бири деди: «Одамлар кизик, танаси ўлган кишига йиглайдилару қалби ўлган кишига йигламайдилар, холбуки қалбнинг ўлиши ёмонроқдир».

Бундай қалб эгаси билан бирга бўлиш касаллик, у билан дўстлашиш захар, унинг давраси эса ҳалокатдир.

Учинчи: Қасал қалб:

Бу қалбда ҳам ҳаёт, ҳам иллат бор. Унга гоҳ буниси ёрдам беради, гоҳ униси. Унда Аллоҳни яхши кўриш, Унга иймон келтириш, ихлос қилиб



Ислом Нури

Унга таваккул килиш ҳам бор, – булар калбни тирилтиргувчи сифатлардир – шу билан бирга бу калбда шахватларни яхши кўриш, уларни бошка нарсалардан устун кўйиб, ортидан югуриш, хасад, манманлик ва ер юзида фасод килишни яхши кўриш каби нарсалар ҳам бор, булар эса калбни халокатга олиб боргувчи сифатлардир.

Шайхул-ислом ибн Таймия раҳимахуллох деди: «Калбнинг бузилиши калб касалининг бир тури бўлиб, у кишининг тасавури ва идрокини бузади, натижада ҳақ билан ботил ўртасидаги фарқни идрок эта олмай, фойдали ҳақни ёмон кўриб, зарарли ботилни хуш кўрадиган бўлиб қолади. Шунинг учун баъзида калб касали шак-шубҳа деб тафсир қилинади. Мужоҳид ва Катода Аллохнинг ушбу сўзини тафсир қилиб: **«Уларнинг калбларида касал бор»**(Бақара:10), у шак баъзида эса зино шахвати деб айтганлар. Аллохнинг ушбу сўзида ҳам: **«Калбида касали бор киши таъма қилиб қолмаслиги учун»** (Ахзоб:33), яъни шахват касали деб тафсир қилинган.

Қалб касал бўлса, кишига илм, маърифат, хикмат, Аллох таъолони яхши кўриш ва буни барча шахватлардан устун қўйиш каби ишлар оғир қелади.

Қабих ишлар қалби касал одамнинг дилини оғритмайди, ҳақ ва ақидани билмаслик унга алам қилмайди.

Қўпинча қалб касалга қалинади, оғирлашади, баъзида ўлиб ҳам қолади. Эгаси эса буни сезмайди. У дунё билан жуда банд бўлганидан қалби касал ёки соғлом эканига қизиқмайди ҳам. Айрим ҳолларда қалби касаллигини сезади, лекин унга даволаниш оғир туюлиб, даво машаққатидан қўра, иллатлик қалб билан қолишни афзал қўради. Чунки қалб шифоси ҳаво-нафсга қарши чиқиш билан бўлиб, нафсга



Ислом Нури

бу сира ёкмайди.

Ибн Каййим Жавзийя раҳимахуллох айтади:

«Қалблар уч турлидир:

Биринчи: Иймон ва барча эзгу ишлардан холи қалб. Бу – зулмат билан копланиб, шайтон васваса қилишидан хотиржам бўлиб қолган қалбдир. Чунки шайтон унинг қалбини ўзига ватан қилиб олган, унда хохлаган ҳукмини юргизади ва хохлаган ерига жойлашади.

Иккинчи: Иймон нури билан нурланган қалбдир, эгаси унда иймон чирогини ёккану лекин унда халигача шахватлар зулмати ва хавоинафс шамоллари бор. Шайтон келиб унга хужумлар қилиб туради. Бу жангда баъзан у голиб келса, баъзан шайтон голиб келади.

Бундай қалблар кўп ва турли-туман. Айримлари аксар ҳолда голиб бўлса, баъзилари эса доим мағлуб туради. Шундай қалблар борки, улар душмандан голиб ҳам, мағлуб ҳам эмаслар.

Учинчи: Иймон билан лиммо-лим қалб. Унда шахват ва зулматлар йўқ, иймон доим нур сочиб туради ва бу нурнинг алангаси бўлиб, агар унга шайтон васвасаси яқинлашса ёниб кетади. У бамисоли юлдузлар билан химояланган осмон қабидир. Шайтон осмонга яқинлашса, тошбўрон қилиб, қуйдириб юборилади. Осмоннинг эса муъминдан ҳурмати улуг эмас».

Қалб касалликларидан бири қибрдир. Қибр қалбнинг энг дахшатли ва энг огир касалидир. У қалб билан иймоннинг ўртасидаги қалин парда ва инсонни ҳақни қабул қилишидан тўсиб турадиган тўсиқдир.



Ислом Нури

Бу касалликнинг аломати ўзини катта тутиш, бошқаларни менсимаслик ва ҳакни тан олмасликдир.

Кибр кишининг ўзига бино кўйишидан пайдо бўлади. Энг дахшатлиси мутақаббир ҳакни тан олиш, тавҳид, Роббисига бўйсунушдан бош тортиш билан хатто Роббисидан ҳам ўзини катта олишга ҳаракат қилади.

Кибр иблис томонидан Аллоҳга осийлик қилинган биринчи маъсиятдир.

«Эсланг, (Эй Мухаммад алайҳиссалоту вас-салом) Биз фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар!» дейишимиз билан улар сажда қилдилар. Фақат Иблис бош тортиб, кибр қилди ва кофирлардан бўлди», (Бақара:34)

«(Аллоҳ) деди: Бас, ундан (жаннатдан) тушгин! Сен учун у ерда(жаннатда) такабурлик қилишинг жойиз эмас. Бас, чик! Албатта сен хор бўлгувчилардандирсан!». (Аъроф:13)

Аллоҳ таъоло мутақаббир, малъун иблисга ниятининг акси билан муомала қилди ва уни хор-тахкирланган ҳолда чиқариб ташлади. Куръони Каримда Аллоҳнинг шайтонга қилган хитоби қуйидагича баён қилинган: **«сен хор бўлгувчилардандирсан», «жаннатдан жирканч ва Аллоҳнинг раҳматидан қувилган ҳолда чик»** (Аъроф:18) ва бундан бошқа оятлар.

Демак мутақаббир ўзи хоҳлаган улугликка эришолмайди балки унга мақсадининг акси ҳосил бўлади.

«Аниқки уларнинг дилларида бир кибр (яъни ўзларини сиздан



Ислom Нури

катта олиш) бордир, улар ўшанга (яъни ўзлари орзу қилган катталikka) етувчи эмасдирлар». (Гофир:56)

Бундан бошқа ўринларда ҳам кибрдан келиб чиқадиган кўп оқибатларни баён қилди, – Аллох бизни ҳам, сизларни ҳам ундан сакласин. Кибр инсонларни Аллохнинг оятларини тушинишдан ва улар билан хидоятланишдан тўсиб туради.

«Энди ерда ноҳақ кибру ҳаво қилиб юрадиган кимсаларни Ўз оят-муъжизаларимдан буруб юборурман (яъни англаб етмайдиган қилиб кўюрман)». (Аъроф:146)

Кибр дўзахга кириш сабабларидан биридир.

«...Ё жаханнамда мутақаббир кимсалар учун жой йўқми!?».
(Зумар:60)

Абдуллох ибн Масъуд разияллоҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллох саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Қалбида мисқоли зарра кибри бўлган киши жаннатга қирмайди».

Шунда бир киши туриб:

«Киши либосини гўзал, пойабзалини эса чиройли бўлишини истайди»,
— деди.

Расулуллох саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Аллох таъоло гўзалдир ва гўзал нарсани яхши кўради, кибр эса ҳакни тан олмаслик ва одамларни камситишдир», — дедилар. (Имом Муслим ривоятлари)